

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

---

**Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими**

**АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИ**

**Рақамлаштиришга қўйиладиган талаблар**

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги

Тошкент

## **Сўз боши**

1 «UNICON.UZ» - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонаси («UNICON.UZ» ДУК) ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан ИШЛАБ ЧИКИЛГАН

2 Ахборот технологиялари ва телекоммуникациялари соҳасидаги стандартлаштириш бўйича 7-сон техник қўмита томонидан КИРИТИЛГАН

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг 26.03.18 даги 05-939 -сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

4 Ушбу стандарт ISO 12653–1:2000 Electronic imaging. Test target for the black-and-white scanning of office documents. Part 1. Characteristics (Обработка изображений электронная. Тест-объект для черно-белого сканирования офисных документов. Часть 1. Характеристики.) халқаро стандарти талабларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган

*Ўзбекистон ҳудудида ушбу стандарт ва унга киритилган ўзгартиришларнинг амалга киритилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) тўғрисидаги ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда эълон қилинади. Ушбу стандарт қайта кўриб чиқилганда ёки бекор қилинганда тегишли ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичida эълон қилинади*

«Ўзстандарт» агентлиги ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий эълон қилиш мутлақ хукуқига эга

## Мундарижа

1	Кўллаш соҳаси.....	1
2	Норматив ҳаволалар .....	1
3	Атамалар, таърифлар ва қисқартмалар .....	2
4	Ахборот-кутубхона ресурслари хужжатларини таснифлаш .....	3
5	Ускуна таркибига қўйиладиган талаблар .....	5
6	Рақамлаштиришда ахборот-кутубхона ресурсларининг сақланишига қўйиладиган талаблар .....	6
7	Хужжатларни сканерлашга қўйиладиган талаблар .....	8
7.1	Мастер-нусхаларни яратишда сканерлашга қўйиладиган талаблар .....	8
7.2	Фойдаланиш нусхасини яратишда сканерлашга қўйиладиган талаблар .....	8
8	Хужжатларга ишлов беришга қўйиладиган талаблар .....	9
8.1	Босма ва аудиовизуал материалларни рақамлаштиришга тайёрлаш .....	9
8.2	Босма ва аудиовизуал материалларни рақамлаштириш учунгурухлаш .....	10
8.3	Босма материаллардан фотонусха олиш процедураси .....	11
8.4	Аудиовизуал материаллардан нусха олиш .....	12
8.5	Босма ва аудиовизуал материалларни рақамлаштириш процедураси .....	12
8.6	Рақамлаштириш параметрлари .....	13
8.7	Ранг режими .....	15
8.8	Ранг режимини мастер-нусхаларга ажратиш .....	16
8.9	Файллар форматлари .....	16
8.10	Ахборотдан фойдалана олиш мумкинлигига қўйиладиган талаблар .....	17
8.11	Рақамли нусхаларга пост-ишлов бериш, ташувчиларга жойлаш, сақлаш ва ташувчилар сақланишини назорат қилиш .....	17
9	Рақамли нусхаларни яратишга қўйиладиган талаблар .....	19
9.1	Нусхаларнинг ҳар хил турларини рақамлаштиришга қўйиладиган талаблар .....	19
9.2	График образ сифатини баҳолаш .....	21
9.3	Электрон китобларни тўлдириш .....	22
9.4	PS файллар ва PDF файлларни тўлдириш .....	23
9.5	DJVU файлларни тўлдириш .....	23
	А илова (маълумот учун) Хужжатларни рақамлаштириш жараёни схемаси .....	25



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

### Ахборот, кутубхоначиликванашриётчиликишибўйича стандартлар тизими АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИ Рақамлаштиришга қўйиладиган талаблар

### Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫЕ РЕСУРСЫ Требования к оцифровке

Systemofstandards on information, librarianship and publishing.  
Information- library resources. Requirements for digitization

Киритиш санаси 02.04.2018

## 1 Кўллаш соҳаси

Ушбу стандарт босма ва аудиовизуал материалларни рақамлаштириш процедурасига қўйиладиган талабларни белгилайди ҳамда Ўзбекистон Республикаси ахборот-кутубхона муассасалари, илмий-техник ахборот органлари, давлат библиография марказлари, нашриётлари, бошқа библиографияловчи муассасалари томонидан ишлов бериладиган ахборот-кутубхона ресурсларига тааллуклидир.

## 2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қўйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.72-96 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Коды физической формы документов

ГОСТ 7.76-96 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Комплектование фонда документов. Библиографирование. Каталогизация. Термины и определения

ГОСТ 13.1.701-95 Репрография. Микрография. Тест-объекты для контроля качества микроизображения. Типы. Методы контроля

О‘з DSt 1214:2009 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот-кутубхона фаолияти, библиография. Атамалар ва таърифлар

*Расмий нашир*

О‘з DSt 2310:2011 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Электрон нашрлар. Асосий турлари ва чиқувчи маълумотлар

О‘з DSt 2312:2011 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик ёзув. Электрон кўринишдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг библиографик тавсифи. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари

О‘з DSt2881:2014 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. MODS метамаълумотларини тавсифлаш формати

Изоҳ - Ушбу стандартдан фойдаланилганда ҳавола қилинган стандартларнинг Ўзбекистон худудида амал қилишини жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолати бўйича тузилган стандартларнинг тегишли кўрсаткичи ва жорий йилда эълон қилинган тегишли ахборот кўрсаткичлари бўйича текшириш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, у ҳолда ушбу стандартдан фойдаланилганда алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш лозим. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, у ҳолда унга ҳавола қилинган қоида, ушбу ҳаволага тааллуқли бўлмаган қисмида қўлланилади.

### **3 Атамалар, таърифлар ва қисқартмалар**

3.1 Ушбу стандартда ГОСТ 7.76, О‘з DSt 1214, О‘з DSt 2310 бўйича атамалар, шунингдек тегишли таърифлари билан қуидаги атамалар қўлланилган:

**3.1.1 аудиовизуал материаллар:** Ёзиб олинган товушлар ва/ёки ёзиб олинган ҳаракатсиз ва/ёки ҳаракатланаётган тасвирларни ўз ичига олган материаллар.

**3.1.2 векторли электрон китоб:** Аниқ ва равshan контурларни саклаш аҳамиятга эга бўлган юқори аниқликдаги график объектлар (чизмалар, схемалар ва б.)ни саклаш воситаси.

**3.1.3 верификация қилиш:** Тасдиқлашпроцедураси.

**3.1.4 рақамли материалгаграфик ишлов бериш:** Бирламчи сканерланган рақамли материалларни электрон китобга ўзгартириш.

**3.1.5 график образ:** Кутилаётган натижага эришмагунча кўп маротаба фойдаланиладиган қўплаб визуал эфектларни кўзда тутадиган нуқталар, чизиқлар, фигуруларнинг йиғиндиси.

**3.1.6 ахборот-кутубхона ресурси:** Матн, товуш ёқитасвири ёзуви кўринишида моддий объектда қайд қилинган ва уни идентификация қилиш, саклаш ва ундан фойдаланиши таъминлаш реквизитларига эга ахборот.

**3.1.7 ҳужжатларни рақамлаштириш:** Одатда, сканер ёки фотоаппарат орқали олинган тасвирни қандайдир электрон форматга ўтказиш.

**3.1.8 биринчи манба:** Қандайдир маълумотларнинг биринчи, асосий манбаи.

**3.1.9 босма материаллар:** Босма маҳсулотлар: газеталар, китоблар, журналлар, рисолалар, плакатлар ва нашрларнинг бошқа турларини тайёрлашда қўлланиладиган материаллар.

**3.1.10 тасвирни ажратиш:** Майдон бирлигига (ёки узунлик бирлигига) нуқталар (тасвир элементлари) микдорини белгиловчи катталик.

**3.1.11 раритет:** Ҳозирги кунда нусхалари унча кўп бўлмаган микдорда мавжуд ва қимматли коллекция нусхасидан иборат бўлган яхлит буюм ёки бутун буюм.

**3.1.12 матнни таниш:** Символлар (ҳарфлар) график тасвирини компьютер матнли символларига ўтказиш жараёни.

**3.1.13 растрли электрон китоб:** Монитор, қоғоз ва бошқа акс эттирувчи қурилмалардаги рангли нуқталар (одатда тўғри бурчакли) – пикселлар тўридан иборат бўлган тасвирни сақлаш воситаси.

3.2 Ушбу стандартда қўйидаги қисқартмалардан фойдаланилади:

DPI	Dots per inch - тасвирни ажратиш ўлчови
DJVU	Déjà vu - кўриб бўлинган
DVD	Digital Versatile Disc - рақамли кўп мақсадли диск
JPEG	JointPhotographicExpertsGroup - фототасвирлар ва уларга ўхшаш тасвирларни сақлаш учун қўлланиладиган растрли график формат
LZW	Lempel-Ziv-Welch, LZW - Лемпель-Зив–Велч алгоритми
OCR	Optical character recognition - символларни оптик аниқлаш
PDF	Portable Document Format –қўчириладиган хужжат формати
PS	PostScript – постскрипт
RGB	Red, green, blue —қизил, яшил, кўк
TIFF	TaggedImageFileFormat - растрли график тасвирларни сақлаш формати
WEB	World Wide Web – бутунжаҳон тармоғи
АКМ	ахборот-кутубхона муассасаси

#### **4 Ахборот-кутубхона ресурслари хужжатларини таснифлаш**

4.1 Рақамли материалга сифатли график ишлов бериш учун рақамлаштиришдан олдин ГОСТ 7.72 бўйича хужжатлар физик шаклининг кодларини ҳисобга олиб, барча босма ва аудиовизуал материалларни ўрганиш зарур. Қоғознинг ўлчами, оғирлиги ва брошюровкаланиши, ранги, тасма, босилган матннинг сифати ва ҳ. каби характеристикалар сканерлаш физик жараёнига таъсир кўрсатади.

Босма ва аудиовизуал материаллар сканерлашга яроқлиликни аниқлаш учун рақамлаштириш жараёни бошлангунча ўрганилади.

4.2 Рақамлаштиришга тайёрлашда ахборот-кутубхона ресурслари хужжатлари 4 та тоифага бўлинади:

1-тоифа- раритетлар: китоб ёдгорликлари (1830 йилгача), алоҳида қимматли ва ноёб китоблар, қўлъёзмалар;

2-тоифа- алоҳида бадиий ва маданий аҳамиятга эга, ичида муаллиф иллюстрациялари ва расмлари бўлган нашрлар, шунингдек катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган нашрлар;

3-тоифа- ахборот жиҳатидан аҳамиятли бўлган нашрлар: асл нусхадаги нашр сифатида эмас, балки ахборот сифатида аҳамиятга эга бўлган ададли адабиёт;

4-тоифа – кутубхона каталоглари, ҳисобга олиш китоблари ва бошқа кутубхона хужжатлари.

4.3 Ахборот-кутубхона ресурсларининг хужжатларига тоифа берилгандан кейин рақамлаштиришни ўтказишга ёндашиш аниқланади:

1) мажбурий ёндашиш - кейинчалик ишлов берган ва график файлларнинг форматларидан бирида сақлаган ҳолда сканерлаш ёки фотосуратга олиш йўли билан амалга ошириладиган график тасвирлар кўринишидаги сахифаларнинг нусхаларини олиш. Бундай ҳолда китобнинг асл сахифаланиши сақлаб қолинади ва мазмуни бузилишининг олди олинади. Матн бўйича излаш мумкин эмас;

2) қидирув (факультатив) ёндашиш - аниқланган матнни график символлар тўпламининг подложкаси сифатида сақлаган ҳолда матнни оптик аниқлаш. Натижада китоб бўйича тўлиқ матнли излаш ва электрон китобларнинг катта массивларини индексациялаш мумкин бўлади. Мазмуннинг тўлиқ айнан ўхшашлиги учун қўлда верификация қилиш талаб қилинади.

4.4 Вазифаси ва фойдаланиш хусусиятларига боғлик ҳолда босма нашрнинг рақамли нусхалари учта турга бўлинади:

1) обьект йўқолган ҳолдауни тиклаш, бошқа матбаа мақсадларида, баъзи тадқиқот турлари учун ва рақамли нусхаларнинг бошқа турларини тайёрлаш учун асос сифатида фойдаланиладиган ахборотнинг максимал миқдорини ўз ичига олганмастер-нусха. Таркибида архив нусхалари бўлган файлларга йўқотишлар билан сиқиши алгоритмлари қўлланилмайди. Ушбу нусхаларни узоқ вақт ишлатиладиган ташувчиларда жойлаштириш кўзда тутилади. Муаллифлик ҳукуқларини қўриқлаш мақсадида ушбу турдаги нусхалардан фойдалана олиш тақиқланган, фойдаланувчиларга эса улар фақат алоҳида ҳолатларда тақдим этилади;

2) қимматли ва ноёб обьектлар учун мастер-нусхадан ёки ададли нашрлар учун тўғридан-тўғри рақамлаштириш йўли билан тайёрланадиган юкори ёки ўрта ажратиладиган фойдаланиш нусхасибиблиографик маълумотлар базаларида ва электрон кутубхоналарда фойдаланувчиларга бериш учун мўлжалланган. Йўқотишлар билан сиқиши алгоритмини қўллашга йўл қўйилади, аммо бунда матнни ўқиши осон бўлиши ва график

элементлар деталларини фарқлаш имкони сақланиши керак. Файл ҳажми ички компьютер тармоғининг ўтказиш қобилиятига мос бўлиши керак (тасвирингюкланишига кўпи билан 3-5 секунд вақт кетиши керак). Нусхадан матбаа нусха олиш имконини бермаслик учун бу нусханинг ажратиш қобилиятиетарлича паст бўлиши керак;

3) мастер-нусха ёки фойдаланиш нусхасидан тайёрланадиган паст ажратиш қобилиятига эга хизматга оид нусхани веб-сайтга қўйиш, локал компьютер бўйича қидирганда дастлабки қўриш, шу жумладан библиографик маълумотлар базаларида ва электрон кутубхоналарда фойдаланувчиларга тақдим этиш учун мўлжалланган. Йўқотишлар билан сиқиш алгоритмларини қўллашга, график образ ажратиш қобилиятини камайтиришга, ҳужжатга қўшимча маълумотларни (масалан, сув қоғоздаги белгиларни, метамаълумотларни ва ш.к.) жорий қилишга йўл қўйилади. Файл ҳажми Интернет тармоғидаги шлюзнинг ўтказиш қобилиятига мос келиши керак.

## **5Ускуна таркибига қўйиладиган талаблар**

**5.1 Рақамлаштириш бўйича ишларни бажаришда маҳсус ускунанинг қўйидаги турларидан фойдаланилади:**

- юқори сифатли сканерлаш комплекслари – ҳужжатларни таснифлашнинг 1 ва 2-тоифалари учун қўлланилади. Босиб турадиган шишадан фойдаланишга йўл қўйилмайди;

- муқованинг букилишига йўл қўймаслик мақсадида ҳужжатлар учун маҳсус бешиклар (ложементлар)дан фойдаланган ҳолда маҳсус китоб сканерлари – ҳужжатларни таснифлашнинг 2 ва 3-тоифалари учун қўлланилади. Нашр қониқарли бўлган ҳолда босиладиган шишадан фойдаланишга йўл қўйилади. Агар китобнинг очилиш бурчаги чекланган бўлса, факат нашрларни очишнинг кичик бурчагини ( $120^{\circ}$  гача)таъминловчи маҳсус бешик (ложемент)ни қўллаган ҳолда бу китоб сканерланади;

- маҳсус оқимли юқори тезликдаги сканерлар – айрим ҳолларда фонд эгасининг қарори билан ҳужжатларни таснифлашнинг факат 3 ва 4-тоифалари учун йўл қўйилади;

- планшетхужжатли сканерлар - айрим ҳолларда фонд эгасининг қарори билан ҳужжатларни таснифлашнинг факат 3 ва 4-тоифалари учун йўл қўйилади;

- микрошаклларнинг маҳсус сканерлари, юқори ажратиш қобилиятига эга слайдлар сканерлари – факат тасмалардаги материаллар учун қўлланилади.

**5.2 Ажратиладиган тест-объектнинг 5,6 линияларининг макон частотасига эга чегаравий гурухнинг ўқилишини таъминловчи сканерлаш ускунасидан ГОСТ 13.1.701 га мувофиқ фойдаланиш керак.**

Чегаравий турұхнинг ўқилишини ўлчаш учун ишларни бошлашдан олдин ГОСТ 13.1.701да белгиланған махсус нишон ва қисмлари (оқ ва қора линиялар) қоришиб кетмайдыган ўша линиялар гурухы сканерланади.

## **6 Рақамлаштиришда ахборот-кутубхона ресурсларининг сақланишига қўйиладиган талаблар**

6.1 Рақамлаштириш жараёнига қўйиладиган асосий талаб бирламчи манбалар (асл нусхалар)нинг максимал сақланишини таъминлашдан ва ишларни бажариш жараёнида уларнинг физик ҳолатининг ёмонлашишига олиб келмайдыган таъсирларга йўл қўймасликдан иборат.

Нашрларнинг сақланишини таъминлаш мақсадида рўйхатларни тайёрлаш босқичида ахборот-кутубхона фондларида ўз физик ҳолати бўйича шикастланмаган ҳолда сканерлашдан ўта олмайдыган нашрларни аниқлаш зарур. Бундай нашрлар уларни сканерлашга яроқли ҳолга келтиришдан аввал рақамлаштириш режаларидан чиқарип ташланиши керак.

6.2 Махсус китоб сканерларида ва юқори сифатли сканерлаш комплексларида контактсиз усулда сканерлашдан ўтиш учун барча тоифадаги нашрларнинг асл нусхаларига нисбатан қўйидаги танлаш мезонлари қўйилади:

- қофознинг аҳволи барча саҳифаларнинг варақланишига йўл қўяди. Агар қофоз салбий таъсирга (оксидланишга, қуриб кетишга ва ш.к.га) учраган бўлса ва қофоз мўрт бўлиб қолган (буклаганда синиб кетаётган) бўлса, у ҳолда дастлаб нейтрализациялашни ўтказиш зарур;

- нашрнинг барча саҳифалари бир-биридан ажратилган бўлиши ва нашрни бетма-бет варақлаш имконини бериши керак. Агар айрим саҳифалар нашриётда кесилмаган ёки нотўғри тикилган бўлса, улар сканерлашдан аввал ажратилиши керак;

- нашрни  $120^{\circ}$  дан кўп бурчакка очиш мумкин. Агар нашрни очганда унинг муқовасини шикастлаш хавфи юзага келса, уни аввал реставрация қилиш зарур;

- муқова нашрни очганда бутун ахборотни ўқиш имконини беради. Агар ахборотнинг бир қисми муқованинг тикилганқисмига «кириб кетган» ва варақларнинг каттароқ қисми букланса, рақамлаганда соялар сабабли ахборотни йўқотиш кучаяди ва тасвирдан фақат ахборотнинг бир қисмини ўқиш мумкин бўлади. Сканерлаш учун бундай нашрни бошқа нусхага алмаштириш ёки барча варақлардаги тўлиқ ахборот мазмунини ўқиш учун унинг муқовасини ўзгартириш зарур.

6.3 Рақамлаштириш бўйича ишларни ўтказиш натижасида нашр кўрсатилган танлаш мезонлариға мувофиқ бўлганда бирламчи манба-хужжат саҳифаларининг шикастланиш фоизи 0,01 фоиздан ошмаслиги керак (10 000 бетга 1 шикастланган саҳифа), қўлёзмалардан ташқари.

Кўлёзмалар бирламчи манбалари-хужжатлари саҳифаларининг шикастланишига йўл қўйилмайди.

6.4 Нашрлар билан ўтказиладиган барча операциялар қуидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда жуда эҳтиёткорлик билан бажарилиши керак:

- нашрларни фақат горизонтал ҳолатда сақлаш;
- нашрларни осилтирган ҳолда ушлаш тақиқланади;
- нашрларнинг саҳифаларига белгилар қўйиш ва нашр дастлабки ҳолатининг ўзгаришига олиб келадиган ҳужжатларни маркалашнинг бошқа усулларидан фойдаланиш тақиқланади;
- китоб материаллари ҳужжатларнинг бузилиши ва шикастланишига йўл қўймаган ҳолда кўчирилади (кўчишда қўлланиладиган ускунадаги ҳужжатлар қоғози учун агресив компонентлар (лигнин ва б.)нинг йўқлиги);
- хонадан ташқарида кўчганда, совук кунларда конденсатнинг ҳосил бўлишини истисно этиш учун китобларни иқлимга мослаштириш мажбурий талаб ҳисобланади;
- хоналардаги ҳаво ҳарорати, ҳавонинг нисбий намлиги, иссиқлик нурланишининг жадаллиги СанПиН РУз № 0203 [1] талабларига мос бўлиши керак;
  - ёритиш 6.7-бандда келтирилган талабларга мос бўлиши керак;
  - сканерлашда бирламчи манба саҳифаларининг бўёқли қатламига механик таъсир кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

6.5 Айрим ҳолларда ҳужжатларни таснифлашнинг 3 ва 4-тоифалари учун планшетли ёки оқимли чўзувчи сканерларда контакт усулда сканерлашга йўл қўйилади.

Қуидаги танлаш мезонларига тўғри келадиган асл нусхалар учун планшетли сканерларни қўллаш мумкин:

- рақамланадиган юза яssi ёки объектга зарар келтирмасдан тўғриланиши мумкин;
- рақамланадиган юза шиша билан kontaktда шикастланмайди;
- максимал ажратишни талаб қиладиган маҳсус турдаги обьектлар учун (1000 DPI дан кўп, масалан, слайдлар);
- қурилма ёруғлиги сканерлаш обьектига зиён етказмайди.

6.6 Алоҳида вараклар иборат кўп миқдордаги ҳужжатлар (масалан, каталоглар) сканерланган ҳолда АКМ раҳбарининг қарорига кўра маҳсус чўзувчи сканерларни қўллашга йўл қўйилади.

Материалнинг аҳволи йўл қўйган ҳолда (янги нашрлар) ва ИБУ раҳбарининг қарори билан оқимли сканерларда сканерлаш учун муқоваланган нашрларнингтилиши бажарилиши мумкин. Бунда нашрни тикиш, шунингдек нашрни кейин эгасига қайтариш тартиби олдиндан рақамлаш ишларини бажарувчи билан келишилиши керак.

6.7 Рақамлашни бажаришда асл нусханинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ёритишга қуидаги талаблар қўйилади:

а) сифатли натижаларни олиш ва табиий ёруғлик-соя балансини сақлаш учун асл нусханинг формати бўйича ёритиш бир текис бўлиши керак;

б) ёритиш учун ультрабинафша нурланишдан ҳимояловчи ва иссиқликни ютувчи фильтрли флуоресцент лампалардан ёки оптик-толали ёритиш тизимларидан фойдаланиш керак;

с) ёриткичлар инфрақизил ва ультрабинафша нурланиш оқими билан сканерлаш обьектига заарар келтирмаслиги, қуидаги талабларга жавоб берниш керак:

- экспонация қилишда ва кўриш вақтида ҳужжатлар юзасидаги ёритиш нормаси -150lx дан кўп эмас;

- ёруғлик манбалари оптик нурланишни таъминлаши керак, тўлқин узунлиги 400nmдан кам ва 760 nm дан кўп бўлмаслиги керак;

- ёриткичлар тури обьектни сакловчи ва консервациялаш мутахассиси билан биргаликда танланади.

## **7 Ҳужжатларни сканерлашга қўйиладиган талаблар**

### **7.1 Мастер-нусхаларни яратишда сканерлашга қўйиладиган талаблар**

7.1.1 Ҳужжатларни таснифлашнинг 2 ва 3-тоифаларига тегишли бўлган нашрларнинг турлари учун барча элементларни сканерлаш мастер-нусхаларни яратишга қўйиладиган талабларга мувофиқ бажарилади.

3 ва 4-тоифаларга тегишли нашрларнинг турлари учун мастер-нусхалар параметрлари билан сканерлаш кўзда тутилмаган.

7.1.2 Нашрлар-бирламчи манбаларни сканерлаш натижасида саҳифалар файл-имижларининг бошидан охиригача рақамланган TIFF форматидаги график образлар олинади. Тасвирлар сифатининг йўқолишига йўл қўймаслик мақсадида RGB Color 24 Bit ранг режимидаги фақат LZW-compressedсиқишиш алгоритми қўлланилади (қайта акс эттиришпикселга 16,7 миллион рангларгача).

7.1.3 Ҳар бир нашрни сканерлаш жараёнида тасвирга сертификатланган рангли нишонни киритиш зарур. Рангли нишонлар билан ишлаш қоидалари қўшимча равишда ишлаб чиқилади.

7.1.4 Сканерлашда 3-10 mm дан кам бўлмаган захира билан нашр ва рангли нишоннинг чегаралари қамраб олинади.

Битта нашр элеменлари бир хил ажратиш қобилияти билан сканерланади. Оптик ажратишга қўйиладиган минимал талаблар:

- 1) 1-тоифали нашрлар учун -600 DPI дан паст эмас;
- 2) 2-тоифали нашрлар учун- 300 DPI дан паст эмас.

## **7.2 Фойдаланиш нусхасини яратишда сканерлашга қўйиладиган талаблар**

7.2.1 3 ва 4-тоифаларга тегишли нашрларнинг турлари барча элементларни сканерлаш фойдаланиш нусхаларини яратишга қўйиладиган талабларга мувофиқ бажарилади.

7.2.2 Нашрлар-бирламчи манбаларни сканерлаш натижасида саҳифаларнинг файллари-имижларини бошидан охиригача рақамлаган ҳолда сиқишида 80 фоизгача сифатни сақлаган ҳолда JPEG форматидаги график образлар олинди.

7.2.3 Ранг режимини танлашга 2 хил ёндашиш мумкин:

1) тўлиқ рангли расмли нашрлар учун нашрнинг барча саҳифалари учун RGB Color 24 Bit (рангли) дан фойдаланиш;

2) нашрнинг асосий қисми учун Grayscale 8 Bit (кул рангнинг 256 та градациялари) ва бир рангли босмадан фойдаланиб босилган нашрларнинг айрим элементлари учун RGB Color 24 Bit (рангли) режимдан фойдаланиш.

Grayscale 8 Bit (кул рангнинг 256 та градациялари) режими қўйидагилар учун қўлланилади:

- таркибида матн бўлган саҳифалар;
- штрихли монохром саҳифалар;
- вакатлар, шу жумладан исталган расмларнинг орқа томонлари, шунингдек нашр чиқарилганидан кейин киритилган муҳрлар, штамплар, қаламлар ва ш.к. белгили (олдиндан асл нусхага тегишли бўлмаган).

24-bit RGB режими (ранг режими) қўйидагилар учун қўлланилади:

- муқовалар/супермуқовалар (олд ва орқа томонлари);
- муқованинг орқа томонига ёпиштирилган форзацлар қисмлари (олд ва орқа);
- таркибида рангли расмлар ёки кул ранг градацияларида берилган расмлар бўлган саҳифалар ва иловалар;
- муаллифлик ёки эгасининг белгилари (бағишловлар, дастхатлар) қўйилган саҳифалар.

7.2.4 Сканерлашда 1-5 mm захира билан саҳифанинг чегаралари қамраб олинади.

Битта нашрнинг барча элементлари бир хил ажратиш қобилияти билан сканерланади. Оптик ажратишга қўйиладиган минимал талаблар - 300 DPI дан паст эмас.

## **8 Хужжатларга ишлов беришга қўйиладиган талаблар**

### **8.1 Босма ва аудиовизуал материалларни рақамлаштиришга тайёрлаш**

8.1.1 Босма ва аудиовизуал материалларни рақамлаштиришга тайёрлаш жараёнида қўйидагилар ҳисобга олиниши керак:

- босма ва аудиовизуал материалларнинг физик ҳолати (қоғоз юпқа, ғижим, скрепкаланган, тасма йиртилган ва х.), шунингдек ахборот хусусиятлари (оқ-қора тасвир, рангли, тоналлик диапазони ва х.);

- босма ва аудиовизуал материалларнинг рақамлаштиришга яроқсизлиги аниқланган ҳолда аввал аудиовизуаласл нусханинг босма фотонусхасини ва нусхасини олиш керак;

- рақамлаштиришда қийинчилик туғдириши мумкин бўлган босма ва аудиовизуал материаллар билан ишлаш процедураларини хужжатлаштириш;

- босма материалларнинг брошюровкалари, скобалари, скрепкалари ва бошқа воситаларни олиб ташлаш ва асл нусхага хужжатдан ахборотни ушлаб олишга таъсир кўрсата оладиган катта заар етказилмаслигини таъминлаш;

- хариталар, оптик дисклар ва х. каби физик иловалар мавжуд бўлган ҳолда уларни бирламчи манба билан боғлаш (метамаълумотларда илованинг мавжудлик фактини хужжатлаштириш зарур);

- илова босма материалдаги ахборотнинг бир қисмини ёпиши риски бўлганда (ёки у ёпяпти деб кўринганда), иловасиз босма материалнинг график образини қамраб олишни таъминлаш афзалроқдир;

- босма материалга физик тузатишлар киритилган ҳолда, масалан, оқ шаффоф бўлмаган бўёқдан фойдаланиб, бундай тузатишларнинг мавжудлиги тўғрисидаги белгиларни таъминлаш зарур;

- скобалар, скрепкалар ёки қисқичлар ёрдамида маҳкамланган кўп бетли босма материалларни сканерлашда фойдаланиладиган процедуралар хужжатлаштирилиши керак;

- кўп бетли материалларнинг барча сахифаларини рақамлаштиришдан аввал, рақамлаштириш вақтида ва ундан кейин бирга ва тегишли тартибда ушлаш керак.

8.1.2 Рақамлаштириш учун босма ва аудиовизуал материалларни тайёрлаш қуйидаги процедуралардан ташкил топган:

- босма ва аудиовизуал материаллар пакетларини шакллантириш;
- босма материаллардан фотонусха олиш;
- аудиовизуал материаллардан нусха олиш;
- босма ва аудиовизуал материалларни рақамлаштириш.

Хужжатларни рақамлаштириш жараёнининг схемаси А иловада берилган.

## **8.2 Босма ва аудиовизуал материалларни рақамлаштириш учунгурухлаш**

8.2.1 Рақамлаштириш учун босма ва аудиоматериалларни пакетларга гурухлаш керак.

Пакетларни гурухлаш босма ва аудиоматериалларни сифати бўйича танлаш, унга иловаларнинг мавжудлиги ва ушбу пакетни ҳужжатлаштиришдан иборат. Бу уларнинг назоратини осонлаштиради ва сифат назоратини ва танлаш асосида бошқа процедураларни амалга ошириш имконини беради.

8.2.2 Пакет ҳажмини қулайлиги нуқтаи назаридан танлаш керак. Пакетдаги босма ва аудиовизуал материаллар микдори муайян ҳолатларга боғлиқ бўлади. Масалан, агар босма материаллар китоблардан ташкил топган бўлса, у ҳолда босиш сифати юқори – сахифаларнинг ўртacha микдори 300 атрофидаги микдорга етади, у ҳолда пакетни ГОСТ 7.76 бўйича кутубхона ҳисобга олиш ҳужжатларига мувофиқ 50 та китобдан шакллантириш мумкин.

Агар босма материаллар папкаларга жойланган бўлса ва битта папкадаги ҳужжатларнинг ўртacha микдори анча катта бўлса (масалан, 100 бет), у ҳолда битта папкадаги ҳужжатларга пакет сифатида қараш мумкин.

Агар папкаларда нисбатан камроқ сонли ҳужжатлар бўлса (масалан, ўртacha 10 бет), у ҳолда пакет бир нечта папкалардаги ҳужжатлардан шакллантирилиши мумкин.

Агар рулонли микротасмалардаги материалларга ишлов берилаётган бўлса, тасманинг бир рулонига пакет сифатида қараш мумкин.

Пакет ҳажми шу тариқа танланиши керакки, у бошқариш осон бўлган, аммо пакетлар даражасида сифатнинг танланган назорати бутун жараён самарадорлигининг анча пасайишига олиб келмайдиган даражада бўлсин.

8.2.3 Гурухланган пакетга рақам берилади ва маркаланади, сабаби келгусида график образларни қофоздаги асл нусхалар билан таққослаш йўли орқали қўшимча қиёслаш талаб қилиниши мумкин.

### **8.3 Босма материаллардан фотонусха олиш процедураси**

8.3.1 Баъзи босма ва аудиовизуал материалларни рақамлаштиришдан аввал улардан нусха олиниши керак. Бундай материалларга қуйидагилар киради:

- рақамлаштириш жараёни салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳужжатлар – масалан, шикастланган ёки мўрт ҳужжатлар;
- агар фотонусха олиш тасвир сифатини анча яхшилаш имконини берса, асл нусханинг зичлиги ва контрастининг жиддий вариантлари билан фарқланадиган ҳужжатлар;
- сканерлашда аниқ график образларни олиш имкони бўлмаган қоғоз ёки шундай рангдаги сиёҳлардан фойдаланувчи ҳужжатлар;
- битта бутун тўлик ўлчамли график образга сканерлаш учун жудда катта бўлган тахланган ҳужжатлар.

8.3.2 Фотонусха олиш жараёни давомида ахборотнинг катта йўқотилмаслигини кафолатлаш учун фотонусхаларни текшириш керак.

Агар босма материаллардан рақамлаштиришдан олдин дастлаб фотонусха олинса, бунда фойдаланиладиган процедуралар кутубхона ҳисобга олиш ҳужжатларида ҳужжатлаштирилиши керак.

8.3.3 Фотонусха олинган қоғоз ҳужжатларни рақамлаштириш жараёнида қандайдир катта ахборот йўқолмаганлигини кафолатлаш учун қўшимча сифат назорати процедураларини жорий қилиш зарур.

8.3.4 Фотонусха олишда тасвир кичрайганда босма асл нусхаларга нисбатан сканерланган график образлардаги тасвирининг самарали ажратиш қобилиятининг кичрайиши (асл нусхага нисбатан) билан боғлик деталларнинг катта йўқотишлари йўқлиги солиштирилади.

8.3.5 Битта материал асосида бир нечта график образларни яратиша кўшни график образлар ўртасидаги туташувларда катта ахборот йўқолмаганлигини кафолатлаш учун бу образлар ўзаро мос келиши керак.

Фотонусха асосда график образни яратиша – нусхага келгусида ишлов бериш аниқлиги учун бу нусха маркаланиши керак.

Бу график образ босма материалнинг аниқ факсимилеси сифатида тўғри идентификацияланиши учун зарур, гарчи дастлабки тайёрлаш процедуралари давомида оралиқ нусха олинган бўлса.

## **8.4 Аудиовизуал материаллардан нусха олиш**

8.4.1 Ҳужжатларни аналог форматдан рақамли форматга ўтказиш баъзи ахборот йўқотилишига сабаб бўлиши мумкин.

Эски форматдан янги форматга архив қайта ёзиш қандайдир ўзгаришлар ёки яхшиламасдан таъминланиши керак. Амалда фойдаланиш учун товуш ва тасвир сифати яхшиланган нусхаларни яратиш керак.

Иккала ҳолатда O‘z DSt 2312 га мувофиқ барча қўлланилган технологиялар ва параметрларни ҳужжатлаштириш зарур.

8.4.2 Ҳужжат таркибига O‘z DSt 2881 га мувофиқ метамаълумотларнинг тавсифини киритиш зарур.

8.4.3 Рақамланган ва олдиндан рақамли ҳужжатларни сақлаш соҳасида қуидагилар зарур:

- ҳужжатни конверсиялаш, яъни аналогдан рақамлига ўзгартириш. Масалан, босма материални сканерлаш йўли билан матнли файлни яратиш, бунда дастлаб график файл ҳосил қилинади, кейин у матнларни аниқлаш дастури ёрдамида аниқланади;

- дастлабки ташувчи бузилиши сабабли ҳужжат йўқолишининг олдини олиш мақсадида ташувчининг аналог турига ҳужжатдан нусха олиш. Ҳужжатга ишлов бериш O‘z DSt 2310 га мувофиқ амалга оширилади. Ҳужжат аналог ҳамда рақамли бўлиши мумкин;

- рақамли файлни яхшилаш, бунинг учун у яратилган дастурнинг нисбатан янги версияси ёрдамида ёки бошқа дастур ёрдамида ушбу файл сақланади;

- ускуна ва дастурий таъминотнинг эски версияларидан фойдаланишни имитация қилиш йўли билан эски форматлардаги рақамли хужжатларни акс эттириш мақсадида эскирган ускуна ва дастурни моделлаштирувчи дастурий таъминотни яратиш.

## **8.5 Босма ва аудиовизуал материалларни рақамлаштириш процедураси**

8.5.1 Босма ва аудиовизуал материалларни рақамлаштириш процедураси нафақат бирламчи материални, балки унинг барча иловаларини рақамлаштиришни таъминлаши керак.

Барча босма ва аудиовизуал материаллар рақамланганлигини текшириш учун ишлов берилган материаллар сони пакетдаги материаллар сони билан солиштирилади.

Агар пакетларга ажратищдан фойдаланилмаса, у ҳолда барча материалларни рақамлаштиришни таъминловчи муқобил процедуралар талаб қилиниши мумкин.

8.5.2 Ҳар бир босма материал учун унга ишлов беришда олинган график материаллар миқдори бетлар сони (яъни варақ томонлари) билан солиштирилади, бунда бўш (ёки қандайдир бошқа) бетларни олиб ташлаш жараёнлари эътиборга олинади.

Физик босма материаллар ва ундаги бетларни қўлда ҳисоблаганда бундай жараённи самарасиз қилиши мумкин. Бетларни (варақнинг томонларини) автоматик ҳисоблашни таъминловчи процедураларни жорий қилиш самарали қарор бўлиб ҳисобланади.

Кўп сканерлар улар орқали сканерланмасдан ўтиш хавфини камайтириб, қоғоз хужжатлар нотўғри узатилишини ишончли детекторлай оладиган бундай қоғоз хужжатларни автоматик узатиш қурилмалари билан таъминланган.

Бундай қурилмалар бўлмаганда қандайдир хужжат сканерланмаслиги эҳтимолини камайтириш учун ҳар бир хужжат сканер оператори томонидан қўлда ишлов берилишини таъминловчи процедуралар керак.

8.5.3 Ҳар бир варақ рақамлантирилиши таъминланган ҳолда фойдаланувчилар хужжат ёки хужжатлар пакетидаги бетлар миқдорини аниқ аниқлаш учун қоғоз хужжатларни ҳисоблашлари ёки олдиндан индекслашлари керак.

Босма материалларни рақамлаштириш учун бир томонлама сканердан (яъни бир вақтда босма материалнинг фақат битта томонини сканерлай оладиган сканердан) фойдаланилганда, ҳар бир икки томонлама хужжатни ўгиришни ва орқа томонини рақамлаштиришни таъминловчи чораларни кўриш керак.

8.5.4 Катта босма материал рақамланган ҳолда, охирги босма материал қисмлар бўйича сканерланади ва бунда қўшни график образлар

ўртасидаги туташувларда ахборот йўқолмаслигини таъминлаш мақсадидабу қисмлар мос келишиучун бир нечта график образлар ҳосил қилинади.

8.5.5 Сканерлаш тизими ҳар ахборот-кутубхона ресурсини ноёб идентификациялаш имкониятини таъминлаши керак, яна шундай тарздаки, бу идентификациялаш ўзгартирилмасин ёки олиб ташланмасин.

Бу ноёб идентификациялашсканерлаш тизими томонидан яратиладиган факат ички назорат мақсадлари учун фойдаланиладиган тартиб рақамидан иборат.

## **8.6 Рақамлаштиришпараметрлари**

8.6.1 Объектни бутунлай рақамлаштириш имкони бўлмаганда алоҳида қисмлаб (ошириб) рақамлаштиришга йўл қўйилади. Қисмлар алоҳида сақланади ёки битта тасвирга шундай жойлаштириладики, улар орасида бир нечта пикселли оралиқ қолсин.

8.6.2 Китоблар тўлиқ сканерланади, шу жумладан муқованинг олд ва орқа томонлари, титул варағи ва титул варағининг орқаси, охиридаги титул варағи (колофон), муқова қопқоғининг орқа томони, орасига ёпиштирилган нарсалар ва уларнинг орқа томонлари ва ҳ.сканерланади.

Бўш варақлар (вакатлар)да рақамлар ва бошқа аҳамиятли ахборот бўлиши ёки йўқлигидан қатъи назар сканерланиши керак.

Мантиқий яхлит ахборот жойлашган асл нусхага тикилган/ёпиштирилган варақларнинг ички бетлари (икки ёққа очиладиган харита/тасвир, битта номли бир нечта тасвирлар, сатрлари ўтадиган жадвал ва ҳ.) ягона тасвир сифатидаберилади.

Асл нусхага тикилган/ёпиштирилган варақларнинг ички бетлари, улардаги ахборот мантиқий боғлиқ бўлмаганда, иккита тасвир сифатида намоён бўлади. Яхлит иккита бетларда (ички бетларда) жойлашган расмларни ўз ичига олган китобда учрайдиган саҳифалар ички бетлар билан сканерланади.

8.6.3 Ички бетларда жойлашган ахборотни ўз ичига олган, сканер майдонидан каттароқ форматдаги китоблар бўйича график образлар сканерлангандан кейин тикилиши керак.

8.6.4 Китобларнинг матнли саҳифалари босмахона матнини таниш оптимал самарадорлиги учун қўйилган ёрқинлик ва контрастлиликни созлаган ҳолда сканерланади.

Ёрқинлик ва контрастлиликни созлаш тасвирнинг аниқлиги ва ранглилиги қисмида энг яхши натижага эришиш учун ва босмахона матнини таниш оптимал самарадорлиги учун бажарилади.

График образлар аниқ фокусланиши керак (матнли график образларнинг ўта равшанлиги матн бўйича фокусланиши керак). Образлар рангининг турлари, чуқурлиги ва тўйинганлиги асл нусхага максимал яқин

бўлиши ва битта китоб доирасида максимал даражада бир хил бўлиши керак.

8.6.5 Тикилган нашрлар учун рақамлаш майдонининг параметрларини ўрнатишнинг иккита варианти мавжуд:

- аҳамиятли ахборот чегараси бўйича (замонавий нашрлар учун мумкин);

- хужжат чегараси бўйича, шу жумладан саҳифалар каскади, муқова ва минимал даражада сканерлаш фони (хужжат чегараларининг кўринишини кўргазмали тасвирлаш учун барча ноёб ва қимматбаҳо нашрлар учун тавсия қилинади).

Битта форматдаги саҳифалар учун график образлар баландлиги ва кенглиги бўйича пикселдаги бир хил ўлчамга эга бўлиши керак. Ягона ўлчам 1-3 mm дан кўп бўлмаган захира билан саҳифанинг энг катта тасвири бўйича танланади.

Тасвирни кесиши варианти учун саҳифалари каскадли хужжатнинг чети бўйича фон билан майдонни ягона ўлчамга келтиришда энг катта тасвир ўлчамигача керакли ҳажмда хужжатнинг саҳифалари қўшилиши мумкин. Сканерлаш манбаси саҳифаларининг асосий қисмидан ўлчами бўйича фарқли катта форматли ёки майда форматли саҳифаларнинг образлари асл ўлчамини сақлаб қолиши керак.

Майда форматли саҳифаларни олдинги ёки кейинги саҳифалар фонида ҳамда алоҳида (бир тонли қора ёки оқ фонда) майда форматли хужжатнинг чегаралари бўйича кейин кессан ҳолда тасвирлашга йўл қўйилади. Усулни танлаш асл нусхадаги массивнинг таркибига боғлиқ бўлиб, якка тартибда келишилади.

8.6.6 Бирламчи манбалар бўлган китобларни сканерлаш натижасида саҳифаларнинг файл-образларини бошидан охиригача рақамлаган ҳолда саҳифама-саҳифа ифодаланган TIFF (LZW-compressed) форматидаги график образлар ҳосил қилинади. Сканерлашдан кейин олинган тасвирларни горизонтал бўйича текислаш ва нашр форматига кесиши (майдонларни ҳисобга олган ҳолда) процедуралари бажарилади. Бир нечта тасвирларни битта файлга сақлашга, битта объект доирасида турли хил ажратиладиган суратга олишга йўл қўйилмайди.

8.6.7 Рақамлаштиришда гаммани аппарат ёрдамида тузатишни кўллашга йўл қўйилади. Тасвирларнинг рангини тўғрилаш, тасвирларни якка тартибда дастурий тўғрилаш бажарилмайди.

## 8.7 Ранг режими

8.7.1 Кул ранг режимида рақамланаётган объектда аҳамиятли рангли ахборотнинг йўқлигига йўл қўйилади. Барча қолган ҳолларда Color RGB режимидан фойдаланилади.

8.7.2 1861 йилгача чиққан нашрлар, шунингдек инқилоб давригача ва советлар ҳукуматининг дастлабки йилларидаги газеталар рангда (RGB) олинади, агар фонда сақлагичнинг бошқа талаби бўлмаса.

Сканерлаш оператори контрастлилик ёмон бўлганда (масалан, сарик фондаги жигар ранг) нашрни рангли суратга олиш зарурлиги тўғрисида мустақил қарор қабул қилишга ҳақли.

8.7.3 Ҳужжатларнинг матнли саҳифалари, таркибида оқ-қора ва кул ранг расмлар, шунингдек вакатлар бўлган, шу жумладан ҳар қандай расмларнинг орқа томонлари, шу жумладан муҳрли, штампли, нашр чиққандан кейин киритилган қаламда ва ҳ.да киритилган белгили (олдиндан асл нусхага тегишли бўлмаган), 8-bit Grayscale кул ранг режимида (кул рангнинг 256 та градациялари) сканерланади.

Муаллифлик ёки эгаси томонидан қўлган белгиларга (багишловлар, автографлар)га ёки асл нусха варакларининг асосий массивидан фарқли ёрқин ифодаланган ранг турига эга саҳифалар ва китоб ёдгорликлари деб тан олинган хужжатлар (24-bit RGB режимида тўлиқ рақамланади) бундан истисно.

Нашрнинг муқоваси ва ичида рангли расмлар ёки кул рангдаги расмлар бўлган, аммо фактураси бўйича саҳифаларнинг асосий массивидан фарқли қоғозда бажарилган алоҳида саҳифалар 24-bit RGB режимида (ранг режими) сканерланади.

## **8.8 Ранг режимини мастер-нусхаларга ажратиш**

Ранг режимини мастер-нусхаларга ажратиш:

- фотоальбомлар ва фотосуратларда - 300-700 DPI диапазонида;
- расмли ёки расмсиз матнда: 300-450 DPI;
- гравюраларда: 300-1200 DPI;
- хариталар, атласларда: 300-700 DPI.

Зарур бўлганда фотосуратлар, гравюралар ёки хариталарнинг айrim тасвирлари файлга сақланиши керак.

## **8.9 Файллар форматлари**

Рақамли материалларнинг график образларини тасвирлаш асосий форматлари сифатида қуйидаги 1-жадвалда берилган TIFF, JPEG ва PDF форматларидан фойдаланиш керак.

Сканерлашда LZW-компрессияга эга TIFF дан фойдаланиш керак, оптик ажратиш 300 DPI ёки ундан кўп.

Фойдаланилайдиган ва хизматда фойдаланилайдиган нусхалар учун 80 фоизгача сифатни сақлаш компрессиясига эга ва, зарур бўлганда ажратилиши пасайган JPEG дан фойдаланилади.

Нусхани электрон китоб кўринишида тақдим этиш учун кўп саҳифали PDF форматидан фойдаланилади. PDF файли WEB учун оптималлаштирилиши ва нусханинг ушбу тури учун (фойдаланилайдиган, хизматга оид) фойдаланиш мумкин бўлган сиқиш ва ажратиш параметрларига эга JPEG форматидаги нусхалардан йигилган бўлиши керак.

## 1-жадвал. Файлларни сақлаш форматлари

Формат номи ва фойдаланиш мақсади	Файлларни очадиган дастурлар	Тавсия қилинадиган сиқиши сули
<b>TIFF</b> мастер-нусхалар учун	Кўплаб растрли мухаррирлар ва столусти ношири тизимлари; растрли объектларни қўллаб-куватловчи векторли мухаррирлар	LZW ни сиқмасдан (сифатни йўқотмасдан сиқиши)
<b>JPEG</b> фойдаланиладиган ва хизмат нусхалари учун	Кўплаб график дастурлар, Интернет-браузерлар	JPEG (сиқиши даражасини танлаш мумкин. Асл нусханинг 50%дан ортиғини сиқиши тавсия қилинмайди)

1-жадвалнинг охири

Формат номи ва фойдаланиш мақсади	Файлларни очадиган дастурлар	Тавсия қилинадиган сиқиши сули
<b>PDF</b> фойдаланиладиган ва хизмат нусхалари учун	Исталган тизимлардаги компьютерларга кўчириладиган платформалараро файл формати. Файлни кўриш учун Acrobat Reader дастури ёки унинг аналоги, шу жумладан браузер плагинлари керак	LZW, JPEG

## 8.10 Ахборотдан фойдалана олиш мумкинлигига қўйиладиган талаблар

8.10.1 Файлларэкранга олдиндан қандайdir хатолар тўғрисидаги огоҳлантиришлар ёки хабарларни чиқармасдан операцион тизим мухитида бу файллар билан ишлаш учун мўлжалланган стандарт воситалар ёрдамида очилиши керак.

8.10.2 Файлларда улар таркибини босиб чиқаришни тақиқлаш опциясини ўрнатишга йўл қўйилмайди. Файлларда уни очиш учун паролли ҳимоялашни ўрнатишга йўл қўйилмайди. Шрифтлар, расмлар ва бошқа файлли объектлар PDF-файл жисмига ўрнатилиши («жорий қилиниши») керак.

8.10.3 Битта PDF-файлдан бошқа файлларга гиперматнли ҳаволаларга йўл қўйилмайди. Файллар ахборот ташувчилардан нусха кўчирилганда, компьютерда кўрилганда ёки босиб чиқариш қурилмасидан чиқарилганда ташувчига сифатсиз тайёрлаш ёки ёзиш, ташувчидағи физик шикастланиш ёки нуқсон билан боғлиқ хатолар юзага келмаслиги керак.

## **8.11 Рақамли нусхаларга пост-ишлов бериш, ташувчиларга жойлаш, сақлаш ва ташувчилар сақланишини назорат қилиш**

8.11.1 Рақамли мастер-нусхаларга пост-ишлов бериш нусхани экранда қайта акс эттириш сифатини яхшилаш мақсадида ўтказилади, бунда рақамли нусхадаги ахборотнинг йўқолиши юз бермаслиги керак. Паст ва ўрта ажратиш қобилиятига эга нусхаларга ишлов беришмумкин бўлган усуллар диапазони нисбатан кенг, баъзи ахборотнинг йўқолишига йўл қўйилади. Пост-ишлов бериш процедураларининг тўлиқ таркиби кейинчалик фойдаланиш мақсадларига мувофиқ уни ўтказувчи ходим томонидан белгиланади.

8.11.2 Мастер-нусхаларга дастурий пост-ишлов бериш намунавий хатти-ҳаракатлари қуйидагилар:

- тасвир майдони бўйича ёритилганликни текислаш, агар бу талаб қилинса;
- рақамлаштиришда юз берган ранг баланси ўзгаришини компенсациялаш, агар бундай компенсация аппарат даражасида бажарилмаган бўлса;
- ахборот бермайдиган майдон тасвири ўлчамларини камайтириш, агар бу талаб қилинса;
- тасвирнинг ортиқча қисмларини олиб ташлаш, агар булар бўлса (масалан, ёндош сахифанинг чети, кадрга тушган бегона предметлар ваб.), бунда ахборотнинг йўқолишига йўл қўйилмайди;
- тасвир ёрқинлик диапазонини максимал мумкин бўлгунча кенгайтириш;
- гамма қийматини ўзgartириш (бунда мониторлар тизимларига хос бўлган қийматларни мўлжаллаш керак);
- тасвирни форматнинг мастер-нусхалари учун белгиланган файлда сақлаш (бунда йўқотишлар билан сиқишига йўл қўйилмайди).

8.11.3 Мастер-нусхага ишлов берилгандан ва ёзилгандан кейин унинг асосида ўрта ва паст ажратилган нусхалар тайёрланади. Бу жараён асосан қуйидагиларни кўзда тутади:

- рақамлаштиришда эришилган ажратишни камайтириш йўли билан тасвир ўлчамларини кичрайтириш ва/ёки бу нусха учун кераксиз деб ҳисобланган четларни олиб ташлаш, бунда экрандаги матнни ўқиши мумкин, графика қисмларини эса фарқлаш мумкин бўлишини кузатиш керак;
- тасвирларни букилишнинг 0,1 градусдан кўп бўлмаган йўл қўйиладиган бурчагига эга четлар бўйича (юқоридаги чети ёки юқоридаги иккита нуқталар бўйича) текислаш;
- битта нашрга тегишли бўлган тасвирларни битта ўлчамга келтириш. Корешоги катта бўлган ёки варажлари текис жойлашмаган нашрлар учун график образ ўлчами образларнинг энг каттаси бўйича

белгиланади. Шунинг учун бундай нашрларда баъзи образлар учун катталаштирилган қора майдонларнинг пайдо бўлишига йўл қўйилади;

- сканер майдонининг форматидан ошиб кетадиган форматлар учун тасвиirlарни тикиш;

- ажратиш (майдон бирлиги учун нуқталар миқдорини белгиловчи катталик)нинг камайиши;

- тасвир ўлчамларининг асл ўлчамига нисбатан пикселлар ёки сантиметрларда (масалан, асл ўлчамидан 50 фоиз) камайиши;

- график файлни сиқиши тури ва даражасини ўзгартиш;

- ҳужжатга қўшимча маълумотларни (масалан, сув қофоздаги белгилар, метамаълумотлар ва ш.к.). Рақамли нусхаларни ташувчиларга ёзганда битта обьектга тегишли бўлган файлларни битта ташувчига ёки ёндош рақамли ташувчиларга гурухлаш афзалроқдир.

**8.11.4** Ёзиш тугаганидан кейин ташувчидаги тасвиirlарнинг ўқилиши албатта текширилади ва файлларнинг назорат суммалари ҳисобланади. Ҳар бир ёзилган ташувчига ноёб рақам берилади.

**8.11.5** Мастер-нусха нусхаларининг миқдорирақамланган обьектнинг сақланиши ва ноёблигига боғлиқ. Эски ва ноёб китобларга, қўлёзмалар, гравюралар ва б.га тегишли обьектлар, шунингдек қайта рақамланиши қандайдир сабабларга қўра қийин ёки номақбул бўлган обьектлар учун нусхалариккита нусхада турли ташувчиларга жойлаштирилади (ташувчининг бутун таркиби тақрорланади, шунинг учун битта ташувчидаги нусхаларининг сони бир хил бўлган обьектларнинг нусхаларини жойлаштириш мақбул). Бу ташувчи бузилган ҳолда нусхани йўқотиш эҳтимолини деярли истисно этиш имконини беради.

**8.11.6** Ташувчиларнинг ҳолати 5 йилда камида бир марта текширилади. Ташувчиларнинг бузилиш белгилари пайдо бўлганда ахборот бошқа ташувчига кўчирилади, икки ташувчидаги файлларнинг айнан ўхшашлиги назорат суммалари ёрдамида текширилади. Ташувчилар ҳолатини текшириш процедураларининг таркиби консервациялаш мутахассиси билан биргаликда ишлаб чиқилади.

## **9 Рақамли нусхаларни яратишга қўйиладиган талаблар**

### **9.1 Нусхаларнинг ҳар хил турларини рақамлаштиришга қўйиладиган талаблар**

**9.1.1** Босма ва аудиовизуал материалларнинг рақамланган ва ишлов берилган график образларини векторли электрон ёки растрли электрон китоблар кўринишида сақлаш керак. Электрон нашрлар O'zDSt 2310 га мувофиқ сақланади.

**9.1.2** Векторли электрон ёки растрли электрон китобларни яратишда ҳар хил турдаги нусхаларни рақамлаштиришга қўйиладиган талаблар 2-жадвалда берилган.

**2–жадвал.Ҳар хил турдаги нухаларни рақамлаштиришга  
қўйиладиган талаблар**

Тоифа	Мастер-нусха	Фойдаланиладиган нусха	Паст ажратишга эга хизмат нусхаси
<b>1-тоифа «Раритетлар»</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўтказмасдан муқова ва барча саҳифаларни сканерлаш;</li> <li>- ишлов берилмаслиги ва фойдаланувчиларга берилмаслиги керак;</li> <li>- TIFF сифатни йўқотмасдан (LZW);</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- мастер-нусха асосида яратиш;</li> <li>- JPEG;</li> <li>- сифатнинг 80% ни саклаш;</li> <li>- RGB Color 24 Bit, ажратиш: 300 DPI дан;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- фойдаланиш нусхаси асосида яратиш;</li> <li>- PDF;</li> <li>- максимал йўл қўйиладиган сиқиши 50%;</li> <li>- верификациясиз автоматик аниқлаш;</li> <li>- RGBColor 24 Bit;</li> </ul>

**2-жадвалнинг давоми**

Тоифа	Мастер-нусха	Фойдаланиладиган нусха	Паст ажратишга эга хизмат нусхаси
	<ul style="list-style-type: none"> <li>- RGB Color 24 Bit;</li> <li>- сертификатланган рангли нишон;</li> <li>- ажратиш: 600 DPI дан;</li> <li>- ҳошия нашр чети образларидан ва рангнишонидан 3-10 mm</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ҳошиянашр чети образидан 3-10 mm(ранг нишони обра-зисиз);</li> <li>- бир форматдаги бетлар учун график образлар битта нашр доирасида баландлиги ва кенглиги бўйича пикселдаги бир хил ўлчамга эга бўлиши керак</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ажратиш: 150 DPI дан</li> </ul>
<b>2-тоифа «Бадиий-маданий бойликлар»</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўтказмасдан муқова ва барча саҳифаларни сканерлаш;</li> <li>- ишлов берилмаслиги ва фойдаланувчиларга берилмаслиги керак;</li> <li>- TIFF сифатни йўқотмасдан (LZW)</li> <li>- RGB Color 24 Bit</li> <li>- сертификатланган рангли нишон;</li> <li>- ажратиш: 300 DPI дан;</li> <li>- ҳошия нашр чети образларидан ва рангнишонидан 3-10 mm</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- мастер-нусха асосида яратиш;</li> <li>- JPEG;</li> <li>- сифатнинг 80% ни саклаш;</li> <li>- RGB Color 24 Bit;</li> <li>- ажратиш: 300 DPI дан;</li> <li>- ҳошиянашр чети образидан 3-10 mm(ранг нишони об-разисиз);</li> <li>- бир форматдаги бетлар учун график образларбитта нашр доирасида баландлиги ва кенглиги бўйича пикел-</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- фойдаланиш нусхаси асосида яратиш;</li> <li>- PDF;</li> <li>- максимал йўл қўйиладиган сиқиши 50%;</li> <li>- верификациясиз автоматик аниқлаш;</li> <li>- RGBColor 24 Bit;</li> <li>- ажратиш: 150 DPI дан</li> </ul>

		даги бир хил ўлчамга эга бўлиши керак; - саҳифанинг юқоридаги чети бўйича текислаш; - сатрлар тасвирнинг асл нусхага мослигидан ва ахборот йўқолишига йўл қўймаслик талабидан келиб чиқиб текисланади	
--	--	---	--

## 2-жадвалнинг охири

Тоифа	Мастер-нусха	Фойдаланиладиган нусха	Паст ажратишга эга хизмат нусхаси
<b>3-тоифа «Ахборот жиҳатдан аҳамиятли нашрлар»</b>	яратилмаяпти	- ўтказмасдан муқова ва барча саҳифаларни сканерлаш; - JPEG; - сифатнинг 80% ни сақлаш; - Greyscale 8 Bit (матн); - RGB Color 24 Bit (рангли расмлар); - ажратиш: 300 DPI дан; - варақ чети бўйича кесиш; - бир форматдаги бетлар учун график образларбитта нашр доирасида ба-ландлиги ва кенглиги бўйича пиксeldаги бир хил ўлчамга эга бўлиши керак; - саҳифанинг юқоридаги чети бўйича текислаш	- фойдаланиш нусхаси асосида яратиш; - PDF; - максимал йўл қўйиладиган сиқиши 50%; - верификациясиз автоматик аниқлаш; - Greyscale 8 Bit (матн); - RGBColor 24 Bit (рангли расмлар) - ажратиш: 150 DPI дан
<b>4-тоифа «Кутубхона каталогари, хисобга олиш китоблари ва б.кутубхона хужжатлари»</b>	3-тоифага ўхшаш	3-тоифага ўхшаш	3-тоифага ўхшаш

## **9.2 График образ сифатини баҳолаш**

9.2.1 График образлар сифатини баҳолаш процедуралари хужжатлаштирилиши керак.

9.2.2 График образлар сифатини баҳолаш процедуралари натижаларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги батафсил маълумотларни, шу жумладан график образларни қидириш ва акс эттириш қурилмалари характеристикаларини ўз ичига олиши керак.

9.2.3 Сифат назорати процедурасининг натижаларини баҳолашда муайян чиқариш қурилмаларидан (монитор ёки принтер каби) олинган натижалар ҳисобга олиниши керак.

9.2.4 Принтердан фойдаланиб сифатни назорат қилиш процедураларида унинг ажратиш қобилияти сканерланган график образларнинг ажратиш қобилиятидан паст бўлмаслиги керак.

9.2.5 Кул рангни ёки унинг турларини акс эттириш сифатини оширганда кул рангнинг ранги ёки турларини акс эттириш аниқлигини баҳолаш керак.

9.2.6 Ўлчамларини узатиш аниқлиги кўпайганда ўлчамларни йўл қўйиладиган оғишлар чегарасида ўлчамлар акс эттирилишини текшириш процедуралари хужжатлаштирилиши керак. Бундай процедуралар график образдаги ўлчамларни тасвирнинг муайян нуқталари ўртасида пикселлар сонини ҳисоблаш йўли билан аниқлаш мумкин бўлиши учун сканерни номинал ажратилиши аниқлигини текширишдан иборат бўлиши керак.

9.2.7 График образлар сифати текширилганда бошқа ходимлар томонидан ўтказиладиган иккинчи сифатни назорат қилиш процедураси бажарилади. Иккинчи сифатни текшириш давомида танлаб олинган статистик синовлари усули қўлланилади.

9.2.8 Сифатни назорат қилиш процедуралари 8.5-бандга мувофиқ босма ва аудиовизуал материалларнинг пакетларини (агар ундан фойдаланилса) шакллантириш жараёни билан боғлиқ, бу пакетни бошқа пакетлардан қатъи назар қабул қилиш ёки рад этиш имконини беради.

9.2.9 Сифатни назорат қилишда бажариладиган барча текширувлар натижалари қўлда ёки автоматик равишда юритиладиган сифатни назорат қилиш протоколида (журналида) сақланади.

9.2.10 Сифатни ва бошқа ўзаро боғланган маълумотларни назорат қилиш процедураси учун сканерланган график образларни танлаб олишларни яратиш киритилганда танлаб олиш ўлчамини қайд қилиш.

## **9.3 Электрон китобларни тўлдириш**

9.3.1 Мавжуд бўлган саҳифаланган ҳамда сканерланган электрон китобларни яхшилаш учун улар тўлдирилиши керак.

Ичida кўп расмлар, графиклар, диаграммалар, жадваллар ёки формулалар бўлган векторли электрон китоблар сақланган файлларнинг

катта ҳажмига ва ўлчамига эга, айни дамда растрли электрон китоблар файлларни кичикроқ ўлчамга келтириш имконини беради. СтандартDVD-ташувчida (4,3 Gbyte) 900 га яқин растрли электрон китоблар жойлашиши мумкин.

9.3.2 Сканерлаш ёки саҳифалаш энг кўп меҳнат талаб қиладиган босқич саналади, шунинг учун мавжуд бўлган файлга максимал яхши сифатгача ишлов бериш керак, китобнинг мавжуд бўлган файллининг сифати жуда ҳам паст ва яхшиси ҳаммасини қайтадан ишлаш керак бўлган ҳоллардан ташқари.

#### **9.4PS файллар ваPDF файлларни тўлдириш**

9.4.1 PS-файллар деярли ҳар доим саҳифалаш маҳсулоти бўлиб ҳисобланади ва PDF утилиталари ёрдамида PDF форматига автоматик конвертланиши мумкин.

9.4.2 PDF форматларининг илк версиялари билан яратилган файллар кўпинча ностандарт растрлишрифтларга эга (векторли ўрнига) ва файл бўйича қидириш имкони йўқ, бу нуқсон ҳисобланади.

Бу нуқсонни икки усул билан тузатиш мумкин:

- OCR матндан фойдаланиб, файлни DJVU форматга ўтказиш;
- маҳсус PDF ва DJVU утилиталар билан.

Етарлича янги PDF версияларидан фойдаланганда, бу шрифтлар векторли бўлиши кераклигини кўрсатиш зарур.

9.4.3 PDF форматидаги электрон китобларнинг нуқсонларида бундай файлларни DJVU форматига қайта ўзгартириш мақсадга мувофиқ, чунки аниқланган матнни (OCR-қатламни) қўшиш ва электрон китоб ўлчамини анча кичрайтириш мумкин.

9.4.5 Векторли PDF файллар ҳам тўлдирилиши керак. Бу қуйидаги нуқсонларга эга файлларга ҳам тегишли:

- китоб матни бўйича излашнинг йўқлиги (растрли шрифтлар ёки матнни нотўғри кодлаш);
- файлнинг ўлчами бет учун 10 Kbyte дан кўпроқ (ичида кўплаб рангли фотосуратлар бўлган PDF файллардан ташқари);
- нотўғри навигация ёки PDF мухаррир ёрдамида қўлда тўғриланадигансаҳифаларнинг нотўғри тартиби.
- матнга тегишли бўлган сув қоғоздаги белгилар ёки декомпрессиядан кейин PDF-файлни таҳrir қилишдан билан ёкимахсус PDF воситалари ёрдамида тузатишлар киритиладиган саҳифалардаги бошқа номақбул белгилар;
- векторли матнга киритиладиган кўп микдордаги растрли киритмалар (формулалар, жадваллар, ишончли аниқланмаган сўзлар).

## **9.5 DJVU файлларни тўлдириш**

9.5.1 DJVU файлларни тўлдириш қуйидаги ҳолларда зарур:

1) рангли ахборот ортиқча ҳисобланади ва файлга янгишиб киритилган. DJVU га қора-оқ режимда тузатиш орқали тўғриланади;

2) DJVU тозалагич ёрдамида ортиқча рангли қатламлар. Ишлов бериш DJVU га ўровлашгача давом этиши керак;

3) DJVU файлидаги саҳифалар нотўғри тартибда жой-жойига қўйилиши керак. DJVU муҳаррир ёрдамида қўлда ёки маҳсус DJVU утилиталари ёрдамида тузатилади (DJVU файлниалоҳида саҳифаларга ажратиб ва қайта кодламасдан қайта йиғилади);

4) гиперхаволалар нотўғри саҳифаларни ёки мавжуд бўлмаган файлларни кўрсатади. Гиперхаволаларни (DJVU утилитаси ва матн муҳарририни) таҳрир қилиш орқали тузатилади;

5) OCR-қатлам (ажратилган матн) мавжуд эмас. OCR-қатламматнни ажратиш дастури ёрдамида яратилади;

6) DJVU файл четлари бўйича қора чизиқлар бўлган, икки томони сканерланган (битта варақقا иккита бет) тасвирни ва/ёки саҳифаларнинг текисланмаган тасвирларини ўз ичига олган;

7) DJVU файл оптимал бўлмаган режимда сиқилган (кичик ўлчамдаги DJVU-луғат билан) ва жуда катта ўлчамга эга. Қайта кодлаш билан тузатилади.

Барча бу нуқсонлар кичикроқ ўлчамдаги файлга ва яхшироқ сифатга эга бўлиш учун DJVU-файлни қайта ишлаш билан бартараф этилади.

9.5.2 Паст сифатли DJVU форматидан фойдаланилганда рақамлаш қайта ўтказилиши керак. Агар DJVU файлда қуйидагилар бўлса, тўлдириш самарасиз ёки имкони бўлмайди:

1) паст ажратиш қобилиятига эга рангли тасвирлар (200 DPI ва ундан паст), фото-режимда эмас, матн ва фонни ажратган ҳолда кодланган. Натижа – матнни деярли ўқиб бўлмайди. Тузатиш мумкин эмас, сабаби тасвирнинг катта қисми йўқотиб бўлинган ва сканерланмаган;

2) босиб чиқариш нуқсонларининг улуши катта бўлган сканерланган тасвирлар. Натижа – жуда катта ўлчамдаги файл. Агар сканерланган материаллар юқори ажратиш қобилиятига эга бўлса (400 DPI ва ундан юқори), у ҳолдаматн экрандан ўқилади, агар файл 300 DPI ва ундан паст ажратиш қобилиятига эга бўлса, у ҳолда ўқилиши қийин бўлади. Тасвир қўлда тозалаб тузатилади.

**А илова**  
(маълумот учун)

**Хужжатларни рақамлаштириш жараёни схемаси**

**A.1 Ахборот-кутубхона ресурсларининг хужжатларини таснифлаш**

**A.1.1 Хужжатлар таснифланишини аниқлаш**

Хужжатларни таснифлашнинг тўртта тоифасидан бирини аниқлаш.

**A.1.2 Рақамлаштиришга тайёрлаш учун ахборот-кутубхона ресурсларини аниқлаш**

Рақамлаштиришга ёндашишни аниқлаш (мажбурий ёки факультатив).

**A.1.3 Сақлаш обьектлари учун рақамли нусхалар турларини аниқлаш**

Бўлғуси рақамлаштириш турини аниқлаш: мастер-нусха, фойдаланиладиган нусха ёки хизматга оид нусха.

**A.2 Босма ва аудиовизуал материалларни рақамлаштиришга тайёрлаш**

**A.2.1 Босма ва аудиовизуал материаллар пакетларини шакллантириш процедураси**

Материалларни рақамлаштиришга тайёрлаш процедурасини бошлаш.

Хужжатлар пакетини хужжатлаштирилган ҳолда рақамлаштириш учун шакллантириш.

**A.2.2 Босма материаллардан фотонусха олиш процедураси**

Хужжатлардан фотонусха олиш жараёнини бошлаш.

**A.2.3 Аудиовизуал материаллардан нусха олиш**

Хужжатни конверсиялаш вариантини танлаш ва материаллардан нусха олиш ва уларни сақлаш жараёнини бошлаш.

**A.2.4 Босма ва аудиовизуал материалларни рақамлаш жараёни процедураси**

Босма ва аудиовизуал материаллар пакетларини рақамлаштириш жараёнини бошлаш.

### **A.3 Ускуна таркибига қўйиладиган талаблар**

Хужжатларни таснифлаш тоифаси, рақамлаштиришга ёндашиш ва турларига боғлиқ ҳолда – ускуна таркибига қўйиладиган талабларга мувофиқ рақамлаштириш учун ускунани танлаш.

### **A.4 Рақамлаштиришда ахборот-кутубхона ресурсларининг сақланишига қўйиладиган талаблар**

#### **A.4.1 Рақамлаштиришда ахборот-кутубхона ресурсларининг сақланишига қўйиладиган талаблар мезонлари**

Ускуна таркибини танлашга боғлиқ равишда ахборот-кутубхона ресурсларини сақлаш мезонларини танлаб олиш зарур.

#### **A.4.2 Сканерлаш учун қўлланиладиган ёруғлик манбаларига қўйиладиган талаблар**

Ускуна таркибига ахборот-кутубхона ресурсларининг сақланишига қўйиладиган танлов мезонлари билан бирга ёритиш манбаларини танлаб олиш зарур.

### **A.5 Хужжатларни сканерлашга қўйиладиган талаблар**

#### **A.5.1 Мастер-нусхаларни яратишда сканерлашга қўйиладиган талаблар**

Рақамлаштириш турларидан ҳар бири ўз талабларига эга. Мастер-нусхалар материалларни таснифлаш тоифасига боғлиқ ҳолда сканерланади.

#### **A.5.2 Фойдаланиш нусхасини яратишда сканерлашга қўйиладиган талаблар**

Фойдаланиш нусхасини яратишга 2 хил ёндашиш мумкин, ранг ва кул ранг рақамлаштириш режимлари.

### **A.6 Хужжатларга ишлов беришга қўйиладиган талаблар**

#### **A.6.1 Рақамли нусхаларга пост-ишлов бериш, ташувчиларга жойлаш, ташувчиларни сақлаш ва сақланишини назорат қилиш**

Пост-ишлов бериш босма ва аудиовизуал материал муваффақиятсиз рақамланган ҳолда ўтказилади. Муваффақиятли пост-ишлов бериш учунпроцедураларнинг тўғри таркибини танлаш зарур.

### **A.6.2 Рақамлаштиришпараметрлари**

График образга ишлов берилганда рақамлаштириш параметрлари белгиланади.

### **A.6.3 Ранг режими**

Рақамлаштиришда ранг режими ўрнатилади.

### **A.6.4 Мастер-нусхаларни ажратиш**

Ажратиш белгиланади.

### **A.6.5 Файлларформатлари**

Материалларни таснифлаш тоифасига мувофиқ маълум форматда сақланади.

### **A.6.6 Ахборотдан фойдалана олиш мумкинлигига қўйиладиган талаблар**

Ишлов берилган ахборот стандарт воситалар орқали кўриб чиқиш учун очилиши керак.

## **A.7 Рақамли нусхаларни яратишга қўйиладиган талаблар**

### **A.7.1 Нусхаларнинг ҳар хил турларини рақамлаштиришга қўйиладиган талаблар**

Рақамли нусхаларга ишлов бериш тугаганда – электрон китоб тури – векторли ёки растрли китоб танланади.

### **A.7.2 График образ сифатини баҳолаш**

График образларнинг сифатини баҳолаш учун кундалик фойдаланиладиган жараён ҳужжатлаштирилиши керак. Олинган натижалар сифатни назорат қилиш протоколига (журналига) киритилган.

### **A.7.3 Электрон китобларни тўлдириш**

Тўлдириш электрон китоб турига боғлиқ ҳолда амалга оширилади – векторли ёки растрли.

### **A.7.4 PS файллар ва PDF файлларни тўлдириш**

Тайёрланган электрон китоб PDF-файлга ёки DJVU-файлга ўтказилади.PDF-файл матни ичida излаш бўлмаган ҳолда –матн OCR ёрдамида ажратилади.

### **A.7.5 DJVU файлларни тўлдириш**

DJVU-файлларнинг ранг гаммасидаги турли нуқсонлар тузатилади.

## **Библиография**

[1] СанПиН РУз № 0203-06 Ишлаб чиқариш хоналари микроиклимининг санитар-гигиена нормалари (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари томонидан 2006 йил24 майда тасдиқланган)

Асосий сўзлар: босма материаллар, аудиовизуал материаллар, векторли китоб, растрли китоб, график образ, бирламчи манба, электрон кутубхона, библиографик маълумотлар базаси

---

«UNICON.UZ» ДУК  
директор ўринбосари

Б.Якубов

Стандартлаштириш таянч  
ташкилоти бошлиғи

Е.Синяшина

Стандартлаштириш таянч  
ташкилоти Штоифали мұхандиси

Д. Латипова

Ўзбекистон Республикаси  
аҳборот технологиялари ва  
коммуникацияларини ривожлан-  
тириш вазирлиги Аҳборот  
ресурсларини ривожлантириш бўлими  
етакчи мутахассиси

О.Рустамова

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
Каталоглаштириш ва тизимлаштириш  
хизмати раҳбари

В.Борисов

Норма назорати

М.Комилова

КЕЛИШИЛГАН

КЕЛИШИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси  
аҳборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлиги  
Аҳборот ресурсларини  
ривожлантириш бўлими бошлиғи

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
директори

Т.Мирзакулов  
2017 йил 25 сентябрдаги  
19-8/6357-сон хати

А. Абдуазизов  
2017 йил 26 сентябрдаги  
01-20/946-сон хати

КЕЛИШИЛГАН

КЕЛИШИЛГАН

Тошкент давлаттехника  
университети Аҳборот-кутубхона  
маркази директори

Республика аҳборот-кутубхона  
маркази директори

Л. Отаханова  
2017 йил 29 сентябрдаги  
01/9-04-2208-сон хати

А.Отакузиев  
2017 йил 28 сентябрдаги  
05-01-9/481-сон хати

